

ЁШ РАҲБАР КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА ИСТИҚБОЛЛИ КАДРЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ИНСТИТУТИНИНГ ЎРНИ

Рахмонбердиев Давлатбек Ўктам ўғли
Ўзбекистон Миллий Университети
Давлат ва фуқоралик жамияти институтлари
бошқаруви йўналишининг 1-босқич магистранти

Abstract: Мамлакатни турли соҳаларда ривожлантириш, аҳолининг турмуш даражаси ва ҳаёт тарзининг яхшиланиши, мавжуд муаммоларнинг бартараф этилиши бу давлатнинг барча параметрлари, яъни, соҳаларнинг ривож ва такомиллашув босқичи билан боғлиқ. Зеро, давлатнинг ривожланганлик ҳолати унинг ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш орқали яққол намоён бўлади.

Калит сўзлар: раҳбар кадр, ёшлар сиёсати, давлат бошқарув, мамлакат, давлат.

Шу маънода, мустақиллик йилларида юқоридаги соҳаларни ривожлантириш, аҳолининг турмуш тарзи ва ҳаёт даражасини ошириш, маънавий онгини ўстириш, айниқса, ўсиб келаётган ёш авлодни эл-юртга ҳурмат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш масаласига давлат сиёсати даражасида кенг эътибор қаратилди. Зотан, ёшлар – Ўзбекистоннинг эртанги тақдирини ҳал қилувчи етакчи кучдир.

Давлатимиз раҳбари томонидан 2016 йил 14 сентябрда имзоланган “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун бу борада амалга оширилаётган хайрли ишларни юқори босқичга олиб чиқди. Зеро, мазкур ҳуқуқий ҳужжат ёшларга оид давлат сиёсатини изчил ва самарали рўёбга чиқариш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини тубдан ислоҳ этишда асос бўлмоқда. Шу билан бирга, республикамизда ҳар йили Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури ҳаётга татбиқ этиб келинаётир. Ҳар бир давлатнинг ривожланиш ва тараққиёт даври бўлиб, бунда мамлакат ёшлари етакчи куч ҳисобланади. Шу ўринда ёш раҳбар кадрларга бўлган эҳтиёж ва талаб доимий равишда энг зарур ва асосий масала бўлганлигини таъкидлаб ўтмоқ лозим. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг давлат ҳокимияти бошқаруви органларининг масъул вазифаларини ёш раҳбар кадрларга ишониб топшириши замирида узоқни кўзлаган стратегик мақсадни кўришимиз мумкин.

Ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, иқтидор ва қобилиятларини ривожлантириш, касбий ва илмий ривожланишлари учун шароит яратиш ва фаол, ватанпарвар, ташаббускор ёшларни давлат бошқаруви органларининг масъул ва раҳбар лавозимларга тайёрлаш ва тавсия этиш бўйича амалий ишлар қилинаётгани барчамизга сир эмас. 2017 йил 30 июн куни бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев иштирокидаги ёшлар анжуманида ёшлар ҳаёти билан боғлиқ жуда кўп масалалар муҳокама этилиб, 30 июн мамлакатимизда “Ёшлар куни” деб эълон қилинди ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқига асос солинди. Шу билан бир қаторда тадқиқот ишида ўрганилаётган ёшларни раҳбар лавозимларга тайёрлаш ва тавсия этиш бўйича Ўзбекистон ёшлар иттифоқи олдида давлатимиз раҳбари томонидан аниқ масалалар қўйилди. Йиғилишда мамлакатимизнинг турли соҳаларини раҳбар кадрлар билан таъминлаш, замонавий ва янгича дунёқарашга эга раҳбарларни тайёрлаш билан шуғулланадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси фаолиятини кескин танқид қилди. Қурултой йиғилишида ёш раҳбар

кадрларни шакллантириш бўйича Президент Ш.Мирзиёев “Ўзбекистон ёшлар иттифоқи давлат ва жамият учун раҳбар кадрларни тайёрлаб берадиган ўзига хос марказ бўлиши, замонавий тилда айтадиган бўлсак, ёшлар учун “социал лифт” вазифасини бажариши керак. У билимли, ташаббускор ва ташкилотчи, фидоий ёш раҳбарларнинг кадрлар захирасини яратиши керак.

Шу мақсадда Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошидаги Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтини ташкил этиш зарурлиги таъкидланди. Бош вазир А.Арипов, Давлат маслаҳатчиси У.Исмоилов ва академия ректори Р.Қосимовга бир ой муддатда шу масала юзасидан тегишли қарор лойиҳасини тайёрлаб, тасдиқлаш учун киритиш вазифаси топширилади. Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлигида ўзини ижобий жиҳатдан кўрсатган ходимлар Давлат бошқаруви академиясида билим ва малакасини ошириб, ҳокимлик ва вазирликлар тизимида раҳбарлик лавозимлари учун асосий номзодлар қилиб тайёрланиши керак. Бундай тажриба илгари ҳам бўлган ва яхши натижа берган эди”, деб таъкидлади.

Президент таклифи ва тавсиясига биноан тез фурсатларда Қарор лойиҳаси ишлаб чиқилиши бўйича жараёнлар ташкил этилиб, қисқа муддат ичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 5 июлдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5106 сонли Қарорида Институт фаолиятини ташкил этиш масаласи белгилаб қўйилди. 2017 йил 15 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси қошида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПФ-3206 сонли Фармони қабул қилинди.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти ҳақида Президент билдирган фикрларга эътибор қаратсак, ёшлар Қурултойида ушбу янги ташкил этилган институт ҳокимликлар, вазирлик ва идораларга масъул ва раҳбар ходимларни етказиб бериши лозимлиги тўғрисида таъкидлар экан, институтга тинловчиларни қабул қилиш жараёни ҳам чинаккам маънода “социал лифт” билан боғлиқ масаладир. Институтга қабул қилинадиган тинловчиларга қўйилган талабларда раҳбарлик лавозимида ишлаган бўлиши ҳақидаги тартиб жорий этилмаган. Бу эса, ўз навбатида, Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлиги тизимида фаолият олиб бораётган фаол ва ташаббускор етакчилар, ходимлар, ҳатто, жамиятнинг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатаётган ишчи, хизматчи ёшлар ҳам номзод сифатида қабул қилиниши белгиланган.

Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институтига қабул қилинган тинловчи сифатида шахсий тажрибаларимга эгаман. Институт ўз фаолияти давомида нафақат истиқболли кадрлар тайёрлаш, балки, мамлакатимиз ёшларининг ижтимоий муаммоларини ўрганиш, илмий тадқиқот ва таҳлилий изланишлар тадқиқ этиш, таҳлил қилиш ва илмий ишлар олиб бориш фаолиятини ҳам ташкил этиш белгиланган. Институт ўз олдида давлат бошқарув органларининг турли соҳаларига, хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотларини бошқариш бўйича замонавий, билимли ва бошқарув қобилиятига эга ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, замонавий тилда айтганда менежерларни тайёрлашни ўз мақсади қилиб қўйган. Ўз келажагини бўлажак раҳбар сифатида кўрган ҳар қандай ёшнинг Президент ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясида таҳсил олиши ва тажриба орттириши учун унга оддий ва содда талаб қўйилмоқда. Талабгор номзоднинг 30 ёшга тўлмаган бўлиши ва 2 йиллик меҳнат стажига эга бўлиши талаби мавжуд. Бу ҳам ёшлар томонидан институтга кириш учун бўлган интилишнинг ортишига ва институтга ташаббускор ёшлар кўпроқ жалб этилишига замин бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академияси қошида Институт ташкил этилгунга қадар ҳам ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш бўйича тизим мавжуд бўлган. Янги ташкил этилган Институт билан олдин мавжуд бўлган тизимни таҳлил қиладиган бўлсак, Академияда фаолият олиб борган 4 ойлик ўқув курси фақатгина ёш раҳбар кадрларни тайёрлаш ва малакасини ошириш билан шуғулланган бўлиб, ҳудудлардаги ёшлар муаммолари, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликни олдини олиш бўйича илмий тадқиқот, сўровлар ва амалий тадбирлар амалга оширилмаган.

Институт бу борада малакали профессор-ўқитувчилар ва тингловчилар билан биргаликда вилоятларнинг чекка ҳудудларида ёшлар муаммолари бўйича тадқиқот ишларини амалга оширмоқда. Институт тингловчиларининг келажакдаги фаолияти, давлат бошқаруви органлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва жамоат ташкилотларида фаолият олиб бориши Ўзбекистон Республикаси Президенти Девонининг Ёшлар сиёсати масалалари бўйича хизмати томонидан мувофиқлаштириб борилиши ҳам алоҳида белгилаб қўйилган. Бу ҳам Институт тингловчиларининг келажакда масъул лавозимларда фаолият олиб боришига кўмаклашишида муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, шахсан Президент ташаббуси ва таклифи билан ташкил этилган Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти фаолиятини такомиллаштириш, тингловчиларни бошқарув салоҳиятини юксалтириш фақатгина Институт ёки Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлигининг масаласи бўлиб қолмасдан, балки, малака ошириш учун ҳужжат топшираётган ёшлар орасидан энг фаол ва ташаббускорларини танлаш ва тавсия этиш бўйича Ўзбекистон ёшлар ишлари агентлигининг маҳаллий Кенгашларининг ҳам масъулиятни ошириш лозим. Бугунги имкониятлардан тўлиқ фойдаланиб, билдирилган ишончни оқлаш учун ҳар бир тингловчи индивидуал жиҳатдан масъул эканлигини ҳис қилиб, билим ва кўникмаларини оширишга максимал жиҳатдан ҳаракат қилса Институт Президент таъбири билан айтганда ҳокимлар, вазирлар тайёрлайдиган даргоҳга айланади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. Саипова К. Д. Работа организационно-агитационного отдела Совета Народного Комиссариата РСФСР в Туркестанской АССР (1918–1924 гг.) //Научная жизнь. – 2010. – №. 5. – С. 56-58.
2. Саипова К. Д. ЛИКВИДАЦИЯ СОВЕТСКОЙ ВЛАСТЬЮ МУСУЛЬМАНСКИХ ШКОЛ НА ТЕРРИТОРИИ ТАССР (1918–1924 гг.) //Идеалы и ценности ислама в образовательном пространстве XXI века. – 2016. – С. 125-127.
3. Саипова К. Д. СУЩНОСТЬ" ДЕКЛАРАЦИИ ПРАВ НАРОДОВ РОССИИ" ОТ 2 НОЯБРЯ 1917 Г //Вестник развития науки и образования. – 2014. – №. 5. – С. 62-65.
4. Саипова К. Д. Историографический обзор изучения истории народного комиссариата по национальным делам туркестанской АССР //Вестник развития науки и образования. – 2011. – №. 4. – С. 86-91.
5. Саипова К. Д. Реализации национальной политики среди национальных меньшинств Туркестана //Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives. – 2015. – С. 26-28.
6. Абидов К. О., Саипова К. Д. ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ МОДЕЛЛАРИНИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ //ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ. – С. 102.